УзССР Давлат китоб палатаси

Элчининг қутлуғ қадами

Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Бедрик Копецкий рафиқаси ҳамда бир гуруҳ ишбилармонлар билан Андижонда бўлди.

Мартабали меҳмонни Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидов қабул қилиб иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Элчи жаноблари ва унинг ҳамроҳлари «Андижон-Прага» қўшма корхонаси фаолияти билан танишдилар. Бу ерда чиқарилаётган «Баркамол», «Шердор», «Зарафшон» пиволари харидоргир бўлаётгани меҳмонларда яхши таассурот уйғотди. Бу келгусидаги ўзаро ҳамкорлик кўламининг кенгайиши учун янги имкониятлар очади.

Жаноб Бедрик Копецкий ва унинг ҳамроҳлари Андижоннинг диққатга сазовор жойларида, Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ҳам бўлдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Аждодларимизни хотирлаб...

Анқарада Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллудларининг 1225 ва 1200 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси томонидан Туркия — Ўзбекистон дўстлик жамияти, Аҳмад Яссавий халқаро жамғармаси ҳамда туркий халқлар маданияти ва санъатини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ташкилоти (ТУРКСОЙ) билан биргаликда ўтказилган ушбу анжуманда Туркиянинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, хорижий дипломатик ваколатхоналаринг ходимлари, талабалар иштирок этдилар. Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш. Мирмаҳмудов, Халқаро Имом ал-Бухорий жамғармаси раиси З. Мунавваров қатнашиб, йиғилганларга Ўзбекистонда аждодларимиз хотирасига бағишланиб уюштирилган катта тантаналар ва халқаро анжуман тўғрисида сўзлаб бердилар.

Конференцияда сўз олган Туркия — Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси, таниқли давлат ва жамоат арбоби Номиқ Камол Зейбек, Туркия Буюк Миллат Мажлиси депутати Ўрхон Қовунчи, Аҳмад Яссавий жамғармаси раиси Ҳурриият Эрсой, ТУРКСОЙ Бош директори ўринбосари Зия Йилмазер буюк аждодларимиз қолдирган меросни ўрганиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар.

Анжуман доирасида Анқаранинг Кечиорен туманида Аҳмад ал-Фарғоний номидаги хиёбоннинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
«Жаҳон»АА

Анқара

1,2 миллион АҚШ доллари ажратилди

Нуротадаги «Нуротамармар» корхонаси Италиянинг «Педрини» фирмаси билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганига ҳали ҳеч қанча бўлмади. Яқинда Европа тараққиёт ва тикланиш банки томонидан жамоага 1,2 миллион АҚШ доллари миқдорида пул ажратилган эди. Шу маблағ ҳисобидан Италиядан замонавий технология сотиб олинди. Эндиликда уни амалга жорий этиш қолди. Шу мақсадда 14 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Дилором БЕКМУРОДОВА

Хатлар, хатлар, хатлар

Жиноятга жазо қани?

Мустақиллик, ҳуррият, етти йиллик каби сўзлар оиламизда ҳам қайта-қайта тилга олинишидан кўнглим қувончга тўлади. Болаларни келажакда баркамол бўлишлари ҳақида ўйлайман. Зеро, турмуш дегани шундай чорраҳаларга бой бўларканки, гоҳида ундан чиқиб кетишинг осон кечмайди. Гап шундаки, уч йил аввал арзимаган дилхиралик билан турмушимизга совуқчилик тушди. Эрим Ваҳоб Ёдгоров уйидан уч фарзандимни етаклаб, отамникига кетдим. Билдимки, жаҳл устида хатога йўл қўйилди. Бир йил ўтар-ўтмас қишлоғимиздаги мулланинг фатвоси билан эрим уйланди. Будан унинг ака-опалари бехабар қолишди. Мен ҳам аччиқ устида болаларни отасиникига юбормай қўйдим. Бултур иккинчи хотиндан фарзандли бўлди. Барибир унинг фикр хаёли бизларда эди.

1998 йил 18 апрель куни пешин пайтлари 14 йилдан бери ўқитувчилик қилиб келаётган эрим Ваҳоб акани Ғиждувон марказий йўлида у велосипедда кетаётганида орқадан келаётган автобус уриб кетди. Ваҳоб ака икки кун ўтмай касалхонада, 38 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Тиббиёт хулосалари ва текширув ҳужжатлари сабабчиси ҳайдовчи Фахриддин Орипов деган шахс эканидан гувоҳлик берарди. Айбдор қилмишига яраша жавоб бериб жазо олиши лозимлигини тергов ходимлари билсаларда, виждонларига ҳилоф равишда «сотилиб», ҳаммамизни аросатда қолдирдилар. Турмуш ўртоғимнинг авлодлари таъзия билан овора бўлиб ҳалокат сабабини тез суриштирмай қўйишганидан фойдаланган Ғиждувон тумани милиция терговчиси Нусрат Жаҳонов билан кундошим тил бириктириб жиноятни қалбакилаштириб, ишни ёпиб қўйдилар. Ўғилларим билан қизим: «Дадамни ким ўлдирган, у қаёқда юрибди» деган саволлар билан ҳар куни мени қийнашади. Албатта, бундай ҳолат уларнинг тарбиясига салбий таъсир қилиши табиий. Ҳақиқатдан ҳам бир одам ўлиб кетаверсину ҳеч ким суриштирмаса... бу қандай бедодлик!

Ёдгоров вафотидан уч кун ўтмай унинг акаси ва бошқалар Жаҳоновга учраб терговни суриштирсалар у ўз оғзи билан: «Ҳақиқатда автосхемада ва кўрганларнинг гапидан аён бўлишича ҳайдовчи юз фоиз айбдор. Самарқанддан автоэкспертиза чақиртириб, ҳайдовчини ҳибсга олишни» айтган. Аммо етмиш кун орасида Жаҳонов бизларга бирор хабар айтмади ва сўрамади. Яна суриштиганимизда Фахриддин Орипов билан «келишган» Жаҳонов телефонда: «вафот этганнинг ўзи айбдор, ўзини-ўзи машина тагига ташлаган», деди. Мен яна туман прокуратурасига мурожаат этдим. Афсуски, улар ҳам Жаҳоновга ён босдилар. Энди савол туғилади. Қачонгача бундай адолатсизлик давом этади?..

Меҳринисо РАҲМАТОВА,
ўғиллари АЗИЗЖОН, ЛАЗИЗЖОН
ва қизи ЗЕБИНИСО

Ғиждувон тумани.

Сиҳаттоҳга боролмай доғман...

Муддаога ўта қолай: 25 йилдан бери жигаримда сурункали дард бор. Дори-дармонлар, нарх-навонинг қандай экани ҳаммага аён. 2500 сўм пенсия оламан. Касалхонага ётай десам, илож топмайман. Боиси, овқат ва жой пули суткасига 120 сўмдан тўғри келади. Дори-дармонга пенсия етмайди. Кейинги пайтларда дард устига чипқон деганларидек, хафақон ҳам бўлиб қолдим. Умримда бир марта бўлсам ҳам бир тузукроқ сиҳатхонага ётиб ўзимни «таъмирлаб» олиш орзусида юрибман. Туман ижтимоий таъминот бўлимига бир неча марта мурожаат қилдим. Баҳона битта: «Путёвка келмаяпти». Аввало, соғлиқнинг қадрига етайлик. Лекин, дард ҳуруж қилганда, шундай алам ўтадики, ўзингни қўярга жой тополмай қоласан.

Нуриддин МУҲИДДИНОВ,
Шаҳрисабз туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 19 ноябрь, пайшанба • № 138 (24.375).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг 1998-2000 йилларга мўлжалланган Дастурига мувофиқ, шунингдек, капитал қурилишда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, қурилиш соҳасидаги бошқарув тузилмаларини монополиядан чиқариш ва ихчамлаштириш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш мақсадида:

1. Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, тегишли қурилиш корпорацияси, уюшмаси ва бирлашмаси муассисларининг қуйидагиларни тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорацияси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ишлаб чиқариш давлат-кооператив қурилиш бирлашмаси — «Ўздеҳқончиликқурилиш»;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги кооператив ва акциядорлик қурилиш корхоналари уюшмаси — «Ўзжамоақурилиш».

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси икки ҳафта муддатда «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорациясини, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасини ва «Ўзжамоақурилиш» уюшмасини тугатиш бўйича белгиланган тартибда тугатувчи комиссияларни тузсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси ва «Ўзжамоақурилиш» уюшмаси таркибига кирувчи пудрат қурилиш трестлари, бошқармалар, бирлашмалар, саноат ва транспорт корхоналари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар мустақил юридик шахслар сифатида сақлаб қолинади ва улар хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда амалга оширадилар.

3. Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилишини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси тегишли ҳудудий комиссиялар билан бирга икки ҳафта муддатда ҳудудлар бўйича қурилиш ташкилотлари тизими ва тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда ортиқча бўғинлар ва бўлинмаларни тугатишни, ишлаб турган пудрат қурилиш ташкилотларининг ташкилий тузилмасини маъқулланган намунавий бошқарув тузилмасига мувофиқ ҳолга келтиришни, кенг кўламда акциялашни таъминлаган ҳолда уларнинг тащкилий-ҳуқуқий шакллари бундан буён ҳам ўзгартириб борилишини назарда тутсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари:

тегишли лойиҳа ҳужжатлари бўлмаган ва молиялаш манбалари тасдиқланмаган объектлар қурилишига йўл қўймасинлар, қурилиш қиймати ошиб кетишига олиб келадиган унумсиз харажатларни кескин қисқартириш чораларини кўрсинлар;

объектлар қурилишига, шу жумладан объектларни тўлиқ қуриб топшириш шарти билан буюртмаларни тендер (танлов) асосида жойлаштириш тизими кенг жорий этилишини таъминласинлар;

хусусий қурилиш фирмалари, кичик ва ўрта пудрат қурилиш ташкилотлари барпо этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига, пудрат ишлари бозори, қурилиш моллари улгуржи бозорларини шакллантиришга бутун чоралар билан кўмак берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши давлат корпорацияси - («Ўзсаноатхўжаликқурилиш»)ни ташкил қилиш тўғрисида» 1992 йил 25 декабрдаги ПФ-519-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 18 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январдаги ПФ-1694 - сон Фармони ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун ҳамда мамлакат ташқарисида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ечиш, давлат, жамоат ва нодавлат тузилмаларида уларнинг салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат Махсус ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Махсус ишчи гуруҳи зиммасига қуйидаги вазифаларни бажариш юклансин:

— Ўзбекистон ёшларининг чет элларда ва аввало «Умид» жамғармасининг йўлланмаси бўйича таълим олиши умуман қандай ўтаётганлигини назорат қилиш;

— ёш мутахассисларнинг хориждаги ўқиши тугагандан кейин уларнинг билимлари ҳамда салоҳиятидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ва бошқарув органларида самарали ва мақсадли фойдаланишни кўзда тутган ҳолда уларни тақсимлашни ташкил этиш;

— ёш мутахассислар хорижда таълим олиб қайтганларидан кейин уларнинг меҳнат фаолиятининг доимий мониторингини, муносиб меҳнат ҳақи ва касб-кор соҳасидаги ўсишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 18 ноябрь.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Ҳоким муовини чипта сотади... ми?»

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги газетанинг 1998 йил 30 июль сонида чоп этилган «Ҳоким муовини чипта сотади...ми?» сарлавҳали танқидий мақолани ўрганиб чиқди.

Мақолада Термиз тумани ҳокимининг ўринбосари Р. Камолиддинов ҳар хил маданий ва спорт томошаларининг чиптасини сотиш билан бандлиги айтилган.

Дарҳақиқат, шу йил 22 июль куни Термиз шаҳридаги «Баҳор» кинотеатрида янгидан яратилган «Ўтган кунлар» бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлганди.

Асарнинг бадиий ва тарбиявий аҳамияти юксаклиги, маросимда фильм ижодкорларидан бир гуруҳи иштирок этаётганлигини ҳисобга олиб, тақдимотга бошқа туманлардан ҳам томошабинлар жалб этилганди. Шахсан туман ҳокимининг ўринбосари чипта сотсин, деб ҳеч ким топшириқ бермаган. Аксинча, туманлар ҳокимлари ўринбосарлари зиммасига тадбирга ўз томонларидан томошабинларни жалб этиш ишига бошчилик қилиш юклатилганди, холос.

Икки қисмли фильм тақдимоти томошабинларга эски даврда чиқарилган ва ҳар бирининг нархи 2 сўм 70 тийиндан бўлган чипталар сотилгани рост. Лекин, чипталарнинг ҳар бири юзасига янги нархни кўрсатувчи «100 сўм» тамғаси босилган бўлиб, бу чипталарнинг барчаси кинотеатр маъмурияти томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинган ва улар тегишли ҳужжатларда қайд этилган.

Маданий ва бошқа оммавий тадбирларнинг чипталарини шахсан ўзлари сотиш ўрнига мазкур тадбирларнинг юқори савияда ўтишини таъминлашга қаратилган ташкилотчилик ишлари билан шуғулланишлари лозимлиги туманлар ҳокимлари ўринбосарларига тушунтирилди.

Вилоят ҳокими Ж. НОРАЛИЕВ

«Бозорқўм ҳақми ё милиция?»

(Гумбулоқ машмашаларидан бир лавҳа)

Газетада эълон қилинган «Бозорқўм ҳақми ё милиция?» сарлавҳали мақолада келтирилган фактларни ўрганиш бўйича вилоят ҳокимининг ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзолари томонидан Деҳқонобод туманидаги «Гумбулоқ» мол ва буюм бозори фаолияти ўрганиб чиқилиб, қуйидагилар аниқланди:

Деҳқонобод тумани ҳокимининг 1998 йил 14 июлдаги қарорида «Гумбулоқ» мол ва буюм бозорида ҳафтанинг ҳар якшанба куни савдо-сотиқ ўтказиш белгиланган. Ҳокимият томонидан билдирилганига қарамасдан, мазкур қарор талаблари «Гумбулоқ» бозори маъмурияти томонидан бажарилмасдан келинган. Туман ички ишлар бўлими ходимлари эса ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши юзасидан иш кўрганлиги сабабли мақолада келтирилган ҳолат юзага келган.

Аҳолининг истак ва таклифлари инобатга олиниб, «Гумбулоқ» мол ва буюм бозорининг иш режими ўзгартирилиб, бундан кейин бозорни ҳафтанинг шанба кунига ўтказиш белгилаб қўйилди. Вилоят ҳокимлиги ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган текшириш пайтида бозорда Вазирлар Маҳкамасининг 378-сонли қарори билан тақиқланган товарларни сотиш фактлари аниқланмади.

Мақолада «Бир қўй учун 150 сўмдан йиғиб олишди» дейилган. Гувоҳлар ва исботловчи далиллар бўлмаганлиги сабабли текшириш давомида ушбу фактни аниқлаш имкони бўлмади.

Бозорда сотувчи ва харидорлар учун шароит яратиш, хизмат ва жой учун олинадиган пул миқдорлари тўғрисидаги жадвални аҳолига кўринадиган жойга осиб қўйиш, мавжуд камчиликларни бир ой муддат ичида тугатиш ҳамда бозорлар фаолиятини яхшилаш юзасидан мунтазам иш олиб бориш туман ҳокимлиги масъул ходимлари зиммасига юкланди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари А. ЛИХИН

Обуна—99

Газетамизнинг доимий муҳлисимисиз?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмисиз?

— Банк тизимингизда неча киши меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Фахриддин ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси «Турон» акциядорлик тижорат бирлаштирув банки бошқаруви раиси:

— Ўзини зиёли, муайян соҳа ходими ҳисоблаган ҳар бир киши мамлакатимизнинг етакчи нашрларидан бири — «Ўзбекистон овози» газетасини эътибор билан кузатиб бориши ҳаётий зарурат. Шундай экан, газетанинг доимий муштарийси бўлишнинг қулай усули — унга йил мобайнида обуна бўлишдир.

Тизимимизда олти юздан ортиқ ходимлар фаолият кўрсатади. Республикамизнинг деярли барча вилоятларида филиалларимиз мавжуд. Ўйлайманки, «Ўзбекистон овози» ҳақида барча ҳамкасбларимизнинг фикри муштарак. Демакки, келгуси йилларда ҳам доимий ҳамкору маслакдош бўлиб қолишимиз мумкин.

XXI аср ўзбек ёшлари



Тўртовлон тугал бўлса...

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

«Автобус ўзимники, хоҳлаганимни қиламан!»

Луқма

«Вақтинг кетди, нақдинг кетди» дейишади кексаларимиз. Шукрларки, бугун эришилган истиқлолимиз ўзидан ўзи бўлмади. Эминли кунларга шукрона қиласан киши. Кўз ўнгингда янгича ҳаёт қайнайди.

Яқинда қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдик. Байрам кунлари эди. Ўғлим билан зиёрат учун туғилган юртим — Нуротага отландик. «Самарқанд — Нурота» катта асфальт йўлнинг равонлиги манзилга тезроқ етиб боришингга қулай бўлмоқда.

Ҳарқалай транспорт хизмати ҳозиржавоб. Афсуски, бунинг лекин томони бор, уни айтмай иложим йўқ.

Шахсий, ижарачи, давлат транспортлари (такси, маршрут) кўп, бироқ, йўловчига хизмат кўрсатиш даражаси қай аҳволда?

Истиқлол байрамидан сўнг қариндошларимиз билан хайр-хушлашиб, Навоий шаҳри орқали уйимизга қайтмоқчи бўлдик. Вақт пешиндан ошган. Чиптахонадан Самарқандга автобус йўқлигини билдик ва давлат рақами 19-89 БХЗ бўлган «Икарус» автобусини тўхтатдик. Йўловчилар бир-бирини итаришиб автобусга чиқиб олишди. Ҳайдовчилардан бири Самарқандгача 350 сўмдан йиғиб олди. Салонда 30 дан зиёд одам бор эди. Автобус юрди-ю, ҳар 20-30 километрда тўхтайверди, йўловчиларнинг ғашига тегди. Қош қорая бошлади ҳали шаҳаргача анча масофа бор. Ҳаммамиз безовталаниб, ҳайдовчиларга тезроқ ҳайдашларини илтимос қилдик.

— Бобой, буни шахсий дейдилар, хоҳласангиз шу, — дея тўнғиллади ҳайдовчилар. Бу ҳам етмагандай, йўлдан қоплар, қутиларни ортиб олишди. Ёш болали аёллардан бири йўл пулини қайтариб беришларини сўради. Ҳайдовчилар: кетсанг, кетавер, бу пулинг билан қаерга ҳам етиб борардинг — дея, масхаралашди. (Ҳайдовчилар исми-шарифини айтишмади). Самарқандга кеч соат ўнларда етиб келдик. Яна такси кира қилиб, бир танишникида қолдик.

Янаги азиз ва қутлуғ кунларда яқинларинг билан дийдор кўришишга шубҳа қилиб қоласан. Қутлуғ кунлар эса ҳали олдинда. Мутасадди идора вакиллари бу муаммони ўйлаб кўришар ва зарурий чораларни қидиришар, деган умиддамиз.

Намоз ҚАРШИЕВ

Обуна—99

«Ўзбекистон овози»

(Мулоҳазанома)

Халқим жўшқин овози —
«Ўзбекистон овози»,
Хушхабарчи шоввози —
«Ўзбекистон овози».

Номи суюк газетам,
иши буюк газетам,
Мақтовмас, бу дил рози
— «Ўзбекистон овози».

Қисқа, лўнда лавҳалар,
қўшқанот сарлавҳалар,
Зўр суратлар — «пардози»
— «Ўзбекистон овози».

Оиламиз қадрдони,
ростгўй дўст, жонажони,
Мураббийлар мумтози —
«Ўзбекистон овози».

Олмоқдамиз кўп озиқ,
пойингга доим ёзиқ
Меҳримиз поёндози —
«Ўзбекистон овози».

Обуна бўлдик яна,
кўнглимиз тўқдир мана,
Тегди қўлга қоғози —
«Ўзбекистон овози».

Бир илтимос — маслаҳат,
(кўнгилингга олма фақат)
Қани кулги эъзози
«Ўзбекистон овози».

Нечук қувноқ саҳифа,
кам деб кўплар сал хафа.
Бежизмас эътирози
«Ўзбекистон овози».

Танқидни чуқур олинг,
қани чапдаст фельетон, —
Ҳажвиямиз «хўрози» —
«Ўзбекистон овози»?!

Чўзмасдан гапни Тўлан,
айтганда бир сўз билан,
Юксалмоқда парвози,
«Ўзбекистон овози»!

Тўлан ҚЎЗИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, агросаноат комплексини бошқаришнинг бошқа органлари келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши учун талабчанликни бўшаштириб юбордилар, муҳим агротехника усулларини бажаришнинг меъёр ва қоидалари қўпол равишда бузилишига лоқайдлик билан қарамоқдалар ва бунга тоқат қилиб келмоқдалар.

Натижада кузги шудгорлаш органик ва минерал ўғитлар солинмасдан сифатсиз ўтказилмоқда. Кўп ҳолларда ерларни текислаш, шўр ювиш, пушта олиш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ишлари экиш олди даврига кўчирилмоқда, бу эса кампаниябозликка, экиш муддатларининг чўзилиб кетишига, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайиб кетишига олиб келмоқда.

Вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг, қишлоқ хўжалигини бошқариш органлари раҳбарларининг кузги-қишки тадбирларни ўтказишга жиноятқорона-совуққонлик билан муносабатда бўлиши жорий йилда ҳам давом этмоқда. Натижада кўпчилик хўжаликлар, туманлар ҳанузгача асосий агротехника усули — кузги шудгорлашга киришганлари йўқ.

1999 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, бу ишлардаги мавжуд жиддий камчиликларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисидан, вилоятлар ва туманлар ҳокимларидан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, агросаноат комплексини бошқаришнинг бошқа органлари раҳбарларидан:

1998 йил 5 декабргача ҳамма жойда кузги шудгорлашни;

1999 йил 1 февралгача экиш техникасининг бутун комплексини тузатишни;

1999 йил 15 февралгача коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалашни;

шўрланган ерларни ювишни 20 февралгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида эса 1999 йил 10 мартгача тугаллаш учун кузги-қишки дала ишларини авж олдириш, бу ишларни бажаришга ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси, туман, вилоятнинг мавжуд имкониятлари ва заҳираларини сафарбар қилиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш талаб қилинсин.

Ушбу мақсадларда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган кузги шудгорлашни тугаллаш, коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалаш, шўрланган ерларни ювиш муддатлари бўйича таклифлари қабул қилинсин;

кузги шудгорлаш, ерларни текислаш ва мелиорация ишларини бажаришга идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шакларидан қатъи назар саноат, қурилиш ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва корхоналарнинг ҳайдов тракторлари, экскаваторлари ва бошқа ер ковлаш техникаси шартнома асосида жалб қилинсин;

кузги-қишки агротехника тадбирлари сифатли ўтказилишига, ушбу тадбирларни бажаришда банд бўлган механизаторларга зарур ишлаб чиқариш ва маиший шароитлар яратилишига алоҳида эътибор берилсин;

ишларнинг сифатли бажарилганлиги учун механизаторларни моддий рағбатлантириш ҳамда ишларни бажаришда агротехника талаблари бузилганлиги учун иқтисодий таъсир кўрсатиш чора-тадбирларидан кенг фойдаланилсин.

Кузги-қишки агротехника тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилмаслигига йўл қўяётган ва бу ишлар сифатсиз бажарилаётганлиги учун мансабдор шахсларга нисбатан республика қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишгача жазолашнинг қаттиқ чоралари кўрилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси мутахассислар ва олимлардан ишчи гуруҳлар тузсинлар ва уларни кузги шудгорлаш тугаллангунга қадар кузги-қишки тадбирларни ташкил этиш ва улар сифатли бажарилишини таъминлаш вазифаси билан республика минтақаларига юборсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари жойларда ана шундай гуруҳлар ташкил этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳайдов агрегатлари икки сменада ишлашини таъминласинлар, кўчма тузатиш бригадалари ташкил этсинлар, двигателлар, узеллар ва агрегатларни, бошқа зарур материалларни алмаштириш фондлари ташкил этсинлар, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси эса машина-трактор парклари ва хўжаликларнинг буюртманомалари бўйича ҳайдов агрегатларига эҳтиёт қисмлар тайёрланишини ва етказиб берилишини таъминласин.

4. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ва уларни 1998-1999 йил куз-қиш даврида қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб беришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 17 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат мулкини хусусийлаштришда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг самарали механизмини яратиш, қимматли қоғозлар бозорида чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг:

корхоналарни, шу жумладан иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;

акциядорлик жамиятлари акциялари пакетининг бир қисмини биржа ва биржадан ташқари бозорларда хорижий инвесторларга сотиш;

барқарор харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга уларнинг тўлиқ мулки қилиб сотиш йўли билан хорижий сармояларни жалб этиш соҳаларини кенгайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгиланснки:

хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулки қиймати эркин алмаштириладиган валютада белгиланади;

хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулки қийматини баҳолаш учун халқаро нуфузга эга бўлган хорижий баҳолаш компаниялари жалб қилиниши мумкин;

хорижий баҳолаш компаниялари, аудиторлар, маслаҳатчилар ва молия агентлари хизматларига ҳақ институционал қайта ўзгартиришларни амалга оширишга Жаҳон банкининг заёми бўйича тушадиган маблағлар ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тўланади;

корхоналар ҳамда акциялар пакетлари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техника билан қайта жиҳозлаш бизнес-режасини албатта тақдим этиш шарти билан, фақат тендер ва инвестиция савдоларида сотилади.

3. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдолари ўтказиш Давлат комиссияси таркиби тасдиқлансин.

Давлат комиссияси:

Давлат мулкини сотишда тендер савдолари ўтказиш Давлат комиссияси тўғрисидаги Низомни икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

хорижий баҳолаш компанияларини корхоналар қийматини баҳолашга икки ой муддатда жалб қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда объектлар проспектини, уларнинг хорижий инвесторлар учун қизиқиш туғдирадиган ишлаб чиқариш - иқтисодий ва молиявий тавсифномалари, шунингдек ушбу объектлар тўғрисидаги асосий маълумотларни кўрсатган ҳолда, нашр қилсин.

4. Белгиланснки:

хорижий инвесторлар томонидан корхоналар ёки акциялар пакетлари эркин алмаштириладиган валютага сотиб олинади, инвестиция мажбуриятлари эса хорижий валютада ҳам, қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган замонавий технология асбоб-ускуналари етказиб бериш тарзида шакллантирилади;

корхоналар ёки акциялар пакетлари қиймати учун тўлов сифатида хорижий инвестордан тушадиган эркин алмаштириладиган валютадаги маблағлар 1999 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Марказий банкдаги махсус валюта счётига ўтказилади, кейинчалик биржадан ташқари валюта бозори харид курси бўйича тўлиқ ҳажмда мажбурий равишда Марказий банкка сотилади;

корхоналар ёки акциялар пакетларини хорижий инвесторларга сотишдан олинган миллий валютадаги тушумни тақсимлаш Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади;

хусусийлаштириладиган корхона томонидан хорижий инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобига олинган пул маблағлари ва технология асбоб-ускуналари даромад (фойда) солиғига ва қўшилган қиймат солиғига тортиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

5. Хусусийлаштирилаётган корхоналарни ёки акциялар пакетларини хорижий инвесторларга сотиш тартиби тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат мулки қўмитаси ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Ўзбекистон Республикасининг суверен рейтингини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон эмитентлари акцияларини республика фонд бозорида сотишдан олган даромадини эркин алмаштириладиган валютага конвертация қилиш:

агар кўрсатиб ўтилган акциялар эркин алмаштириладиган валютага сотиб олинган бўлса;

хорижий инвестор акцияларни уларни сотиб олган санадан кейин камида 12 ой ўтгач сотган тақдирда амалга оширилади.

Пул-кредит сиёсати бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон эмитентлари акциялари муомалада бўлишидан олинган даромадларини эркин алмаштириладиган валютага конвертация қилиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Тошкент» Республика фонд биржаси билан биргаликда қимматли қоғозларни хорижий инвесторларга эркин алмаштириладиган валютага сотиш учун, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиққан ва тасдиқлаган ҳолда, 1999 йил 1 январгача махсус савдо майдончаси ташкил этсин.

9. Давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг асосан хорижий инвесторлар ўртасида жойлаштириш учун, шунингдек чет эл фонд биржаларида листинг шартларига риоя этиш учун улар томонидан акцияларнинг қўшимча эмиссиясини амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

10. Ҳукумат қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банки ушбу қарордан келиб чиқадиган идоравий меъёрий ҳужжатларни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда қабул қилсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 18 ноябрь

Янги канцлернинг ташрифи

Германиянинг янги сайланган канцлери Герхард Шредер кеча дастлабки расмий ташриф билан Москвага келди. У Россия ҳукуматининг раиси Евгений Примаков билан учрашди. Бугун эса Президент Борис Ельцин билан учрашади. Учрашувлар давомида сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, савдо, иқтисодий ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинади.

Ўз номзодини қўярмикин?

Америкалик таниқли мультимиллиардер, Си-Эн-Эн телекомпанияси ва йирик спорт мусобақаларининг асосчиси Тед Тернер ўз номзодини навбатдаги сайловда АҚШ Президентлигига қўйиши мумкинлигини жиддий тарзда айтди. Бу ҳақда «Нью-Йоркер» журнали унинг Калифорниядаги қабул маросимида айтган сўзларига қараб хабар қилди. Айрим гувоҳларнинг айтишига кўра, миллиардер учинчи дунё мамлакатларидаги оч қолган оммадан ўзини ҳимоя қилиш учун АҚШ ядро қуролига эга бўлиши керак эмиш. Калифорнияда 6 ноябрь куни Тернерга ядро хавфини камайтириш учун қилган халқаро фаолияти учун жамоа ташкилотларидан бири мукофот берган эди. Айни пайтда Тед Тернернинг бойлиги 4,8 миллиард долларни ташкил этади. У ўтган йили 1 миллиард доллар маблағини БМТга совға қилмоқчи эканлигини айтган эди. Журнал миллиардерларнинг чиқишини майнавозчилик деб шарҳлаган бўлсада, бироқ, Тернернинг Оқ уйни эгаллаш ҳақидаги орзулари жиддий кўринади.

Ҳикматёрнинг айтганлари

Афғонистон ислом партиясининг раҳбари Гулбиддин Ҳикматёр Эронда чиқадиган «Эрон-Ньюс» газетасида чиқиш қилиб, бундай деди:

— Россия Афғонистоннинг ички можароларига аралашишни истамайди ва у ерда Россияга ён босувчи ҳукумат тузилишига муҳтож эмас. Балки, Марказий Осиёдаги ўз иштироки билан ушбу минтақадаги ўз мақсадларига эришмоқчи. Афғонистоннинг ички ишларига тўғридан-тўғри аралашаётган Покистон, Саудия Арабистони ва АҚШ бундай ҳаракатни тўхтатмагунларича бу ерда тартиб ўрнатишнинг иложи йўқ. Мамлакатда тинчлик жараёнини амалга ошириш ташаббуси кимдан чиқишидан қатъи назар уни Афғонистон халқи қўллаб-қувватламаса эзгу-ниятга эришиш мушкул. Ҳикматёрнинг сўзларига қараганда Афғонистондаги вазиятнинг бузилиши, айниқса, Вашингтон маъмуриятига маъқул келмоқда. Бинобарин, ушбу мамлакат Қобулда толибларнинг кўғирчоқ ҳукуматини тузишга ҳаракат қилаётир. Шунингдек, Афғонистон ислом партиясининг раҳбари, ўз сўзини давом эттириб, Афғонистондаги фуқаролар урушининг авж олишига ташқаридаги маслаҳатчилар ва ўзимизнинг айрим ватандошларимиз айбдор, деди.



Печёра ёдгорлиги

Самолётлар оролда сақланади

АҚШ Мудофаа вазирлиги Ҳинд океанининг Диего-Гарсия оролидаги ҳарбий базасида 11 та оғир бомбардимончи самолётларини сақлаб туражагини маълум қилди. Агар Ироқ ҳукумати БМТ халқаро текширувчилари билан ҳамкорликни яна тўхтатса бу самолётлар зудлик билан ҳарбий ҳаракатларни бошлайди, деб баёнот берди Пентагон расмий вакили Кеннет Бейкон.

Маълумки, Ироқ атрофидаги вазият кескинлашган пайтда АҚШнинг Европадаги ҳарбий базаларидан кўплаб қирувчи самолётлар Форс кўрфазига жўнатилган эди. К. Бейконнинг айтишича, айни пайтда Ироқ можароси тинч йўл билан бартараф қилинаётгани боис бу самолётларнинг катта қисми яна Европага қайтарилган.

Осиё мамлакатларига 5,5 миллиард доллар

Хитой ҳукумати Халқаро валюта жамғармаси орқали Осиё мамлакатларига 5,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёрдам ажратади. Бу маблағнинг бир миллиарди Сянган маъмурияти ҳисобидан бўлади. Бу ҳақда Хитой Ташқи ишлар вазирлиги вакили Тан Гоцян баёнот берди.

Осиёнинг айрим мамлакатларида юз бераётган молиявий инқироз сабаб Хитой шунча миқдордаги маблағни ажратиш ташаббуси билан чиқди, деди Т. Гоцян. Шунингдек, Хитой раҳбари Цзян Цзэмин Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигига аъзо мамлакат раҳбарларининг норасмий учрашувида Хитой молиявий бўҳронга дучор бўлган мамлакатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиражагини таъкидлаган.

Текширувчилар Бағдодга келди

Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус халқаро текширувчилари гуруҳининг 87 аъзоси Бахрейндан Бағдодга келди. Шу кунларда қолган текширувчиларнинг ҳам Ироққа келиши кутилмоқда.

Маълумки, Ироқ ҳукумати халқаро текширувчилар билан ҳамкорлик қилишдан воз кечганидан сўнг кимёвий, биологик ҳамда ядро қуроли мутахассисларидан иборат гуруҳ 11 ноябрь куни Бағдодни тарк этган эди.

Қўллаб-қувватланса бас

Япония ҳукумати агар БМТ ҳамда Қозоғистон қўллаб-қувватласа Семипалатинск полигонида ядро синовлари талофатлари муаммосига бағишланган халқаро анжуманни Токиода ўтказишга тайёрлигини маълум қилди. Япония БМТ Бош Ассамблеяси ҳамда Қозоғистон ҳукуматининг таклифидан сўнг шундай қарорга келган.

Маълумки, Қозоғистоннинг Семипалатинск полигонида 1949-90 йиллар давомида юздан ортиқ ядро синови ўтказилган. Маҳаллий аҳоли эса ядро синовлари натижасида атрофга ёйилаётган радиоактив нурлардан ҳамон жиддий зарар кўраётир.

Почта қутиларидаги гиёҳванд моддалар

Сянган ва Макао полиция хизмати ходимларининг ҳамкорликда ўтказган тадбири натижасида Сянган аэропортида 12 килограмм гиёҳванд модда фош қилинди. Унинг «қора бозор»даги нархи 1,3 миллион АҚШ долларига тенг.

Маълумотларга қараганда, гиёҳванд модда ноқонуний равишда Бангкокда тайёрланган ва почта қутиларига жойлаштирилиб, «экспресс почта» орқали Макаога келтирилган экан

(ЎзА)

ХДП хабари

Маънавият ва тарихий хотира

Жорий йилнинг 17 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти шу мавзуга бағишланди. Таниқли ёзувчи, Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Пиримқул Қодиров мазкур масала бўйича маруза қилди.

Семинарда Ўзбекистон ХДП МК, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳамда уларнинг таркибидаги қатор партия кенгашлари, шунингдек, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 ноябрдаги фармойишига асосан халқ хўжалиги ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш мақсадида 16 ноябрдан 16 декабргача давом этадиган ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди.

Асосий вазифа республика шаҳар ва туманлари, аҳоли яшаш пунктлари ва халқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, аҳоли, ишчи-хизматчилар ва ўқув юртлари ўқувчилари орасида тушунтириш ишларини кенг кўламда олиб бориш, масканларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш — умуман, ёнғинларнинг, улардан инсонлар ҳалок бўлишининг олдини олишдан иборат.

Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларининггина эмас, балки барча вазирлик, концерн, маҳкама ва ташкилотлар, кенг омма, ишчи-хизматчилар ва фуқароларимиз учун ҳам бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифа бўлиши шарт.

Бу даврда корхона ва муассасалар, ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолатини ўзларида тузилган комиссияларда кўриб чиқилса, керакли чора-тадбирлар жорий этилса ва уларнинг бажарилиши таъминланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

ЎзР ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармаси

Ҳатто пўлатни ҳам пайвандлайди

«Ривож-Тяньжин» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси бултур Шахрихонда ташкил этилган эди. Шу қисқа муддат ичида улар маҳсулоти — пайвандлаш электродлари нафақат республикамизда, балки қўшни давлатларда ҳам харидоргир бўлиб қолди. Негаки, маҳсулот жаҳон андозалари даражасида тайёрланмоқда. Ҳозир ҳар куни 30 тоннагача пайвандлаш электродлари ишлаб чиқарилмоқда. Умуман олганда бултурдан бери 120 миллион сўмлик бўлган қарийб 800 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Маҳсулот эгасини топди

Қўқондаги 2-касб-ҳунар мактабида ёш ҳунармандлар ҳам тарбия топади. Улар устозлари ёрдамида харидоргир маҳсулот тайёрлашни ўрганиб олдилар, яъни болалар учун икки қаватли кароватлар тайёрлай бошладилар. Қувонарлиси шундаки, маҳсулот бежирим ва сифатли бўлгани учунми, ҳар қалай тезда харидор ҳам чиқа қолди: унинг дастлабки туркуми Данғара туманидаги иқтидорли болалар гимназиясига жўнатилди.

Ҳужжат имзоланди

Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Греция Миллий Мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди. Уни Ўзбекистон томонидан мудофаа вазири Ҳ. Турсунов, Греция томонидан эса миллий мудофаа вазири А. Цохатзополус имзолади.

Греция Миллий Мудофаа вазирлиги делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлиб, музокаралар ўтказди

(ЎзА)

Ватанимга, элу юртимга нима бердим?!

ёхуд бугунги ёш авлод, ташаббускорлик ва фидойилик ҳақида

Ўзбекистон манфаати ҳар қандай шахсий манфаатдан баланддир. Ватанга хизматкор бўлайлик! Нақадар буюк замонда яшаётганимизни унутмайлик!

Ислом КАРИМОВ

Инсон табиатида икки хислат азалдан ёнма-ён яшаб келади. Бири фидойилик, савобталаблик бўлса, иккинчиси тамоман бунинг аксидир. Фидойилик, савобталабликни инсон табиатини безаб турган гултожга қиёслаш мумкин.

Хўш, фидойилик нима ўзи? Унинг мезонлари нима билан белгиланади? Бугунги ёш авлод фидойиликни қандай тушунади?

Улуғ донишмандлардан бири айтганки, инсоннинг фидойилиги энг аввало Ватанга бўлган меҳру муҳаббати, садоқатида кўринади. Ҳақ гап. Одам боласи учун киндик қони томган тупроқдан кўра муқаддас ва азиз яна нима бор?!.

Яқинда таҳририятга ўттиз ёшлар чамаси бир йигит кириб келди. У ўзини таништиргач, мақсадга кўчди: — Иш қидириб юрибман, ака, мелиса ё ҳарбийдан бошқаси бекор. Қани энди, солиқда ишлашнинг иложи бўлса... Қурғур, экономист эмасмиз-да.

— Асли мутахассислигингиз нима? — деб сўрадим.

— Физикман, физика ўқитувчиси, — деди у жонланиб.

— Ахир, ҳозир мактабларда яхши ўқитувчига талаб катта-ку, — дедим мен.

У мийиғида жилмайди:

— Ҳа, энди, мактабда нима бор?! Маош тузук бўлса, кейин са-ал тушум ҳам бўлса, яхши-да!

Албатта, ҳамма ҳам моддий манфаатга интилади. Аммо киши ўзининг нафси, ҳою ҳавасига буткул қул бўлиб қолмаслиги керак-ку?! Ҳалиги йигит бир йўлини қилиб солиқ ёки ички ишлар тизимига ишга жойлашиб олди ҳам дейлик. Хўш, шундан кейин ундан бирон бир хайрли ишни кутиш мумкинми?

Фаридахон Мамажонова Андижон шаҳридаги 41-ўрта мактабда кимё ва биология фани ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Фаридахоннинг мактабда амалга ошираётган ишларини кўриб, рости гап, кишининг кўзи қувнайди. У вилоят микёсида илғор педагогик технологияни жорий этишда ташаббускорлардан бири саналади. Шунингдек, биринчилардан бўлиб рейтинг тизимига ўтди. Фидойи мураббий 8-11 синфларда лотин алифбосини ўзлаштиришга ҳам эътибор қаратди. Албатта, бу ташаббуслар ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қолмайди, балки унинг замирида қизғин ижодий изланиш, тинимсиз саъй-ҳаракат ётади.

Ёш авлод, айниқса, мактаб ўқувчиларининг иштиёқ ва қизиқиши баланд бўлади. Уларнинг қизиқишини янада ўстириш, замонавий билимларни ўргатиш, кўнглида ғурур ва фидойилик туйғуларини уйғотишга аввало ўқитувчилар масъулдир. Бу ҳам ўқитувчидан чинаккам фидойиликни талаб қиладиган жараёндир.

Шу кунларда Фаридахон Мамажонова атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш барчанинг бурчига айланмоғи керак, деган ғоя билан яшамоқда. Ўқувчиларга экологик тарбиядан сабоқ беришни одатга айлантирган.

Бугун андижонликлар кўп соҳаларда муваффақиятларга эришаётгани тўғрисида илиқ гаплар тез-тез эшитилиб турибди. Бу ютуқлар замирида, табиийки, фидойилик, юртга меҳр-муҳаббат, кишилар тафаккуридаги беқиёс ўзгаришлар, замон талабини юракдан ҳис этиш каби хислатлар ётибди. Тадбиркор Одилжон Қурбонов ҳам ана шундай фидойилардан биридир. 1995 йилда унинг ташаббуси билан ташкил этилган «Камолот XXI» кўп тармоқли хусусий фирмаси қисқа вақт ичида ривож топди. Ўтган йили 13,5 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари бажарилди. Бу йилги ишлар ҳам чакки эмас. Биргина тикувчилик цехида шу йилнинг ўтган даври мобайнида 1,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. О. Қурбонов Охунбобоев шаҳри марказидан икки қаватли меҳмонхона биносини сотиб олди. Унинг биринчи қаватида ёшлар қаҳвахонаси ҳамда маиший хизмат шаҳобчалари хизмати йўлга қўйилади. Иккинчи қаватида эса, яна бир тикувчилик цехи ишга туширилиб, унда Германиянинг «Зингер» фирмасидан келтирилган дастгоҳлар ўрнатилади. Натижада бу янги цехда сифатли ва харидоргир маҳсулотлар тайёрланади.

Фирманинг «Камолот XXI» деб номланишида ҳам рамзий маъно бор. Чунки ёш, уддабурон тадбиркор халқимиз учун тараққиёт, буюк келажак асри бўлиши кутилаётган XXI асрда ўз корхонасининг халқимиз фаровонлиги йўлида баҳоли қудрат ҳисса қўшишини ният қилган. Одилжон Қурбонов қийинчиликлардан кўрқмасдан, дадил ҳаракати билан корхонасини ҳар томонлама ривожлантириб, замондошлари оғирини енгил қилмоқда, асосийси, элга нафи тегяпти. Фидойилик деган сўзни у шундай тушунади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилди. Бу соҳанинг ҳуқуқий мезонлари ишлаб чиқилди. Қонунлар билан кафолатланди. Натижада сўнгги йилларда ишбилармонлик, хусусий мулк эгалари кўлами тобора кенгайди. Мустақиллик барча ишбилармонлар қатори Анвардаги ғайрат ва шижоат ҳамда тадбиркорлик хислатларини намойиш этиш имкониятларини яратиб берди. Дарвоқе, Анвар Қўлдошев асли қаршилик. У 1991 йилда давлатдан олган 10 минг сўм қарзига 10 бош сигир сотиб олиб, Қарши туманидаги «Янгибоғ» жамоа-ширкат хўжалиги ҳудудидан 1 гектар ерга 50 центнердан ғалла йиғиштириб олишди. Тадбиркор Анвар келгусида гўшт, сут, сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехлар ташкил этишни режалаштирган. Унинг ниятлари қутлуғ, ўз ҳисобидан мактаб қурмоқчи.

Ўтган йил Мустақиллик тантаналарида Норали ижро этган қўшиқларни кўпчилик яхши эсласа керак. Ватан ва юртга чексиз меҳру муҳаббат, миллий қадриятлардан ғурурланиш туйғуси, буюк боболар қолдирган меросга бўлган чуқур ҳурмат ҳисси унинг юрагидан отилиб чиққан қўшиқларда балқиб турибдики, ҳар қандай кишининг кўнглини жўштириб юборади. У юртини дўмбранинг қадим оҳанглари жўрлигида юрагидан куйлайди! Куйлаганда ҳам бодбаракдек айланиб, миллий эстрадани чўққиларга кўтарди.

Иқтидорли санъаткор ўзбек санъатининг ноёб қирраларини, хусусан, сурхон бахшичилик санъатини қатор хорижий мамлакатларда намойиш этди. Инсон ўз меҳнати, интилувчанлиги, тинимсиз изланувчанлиги билан келажагини яратишини шу йигит мисолида кўриш мумкин. 32 ёшли Норали Алланазаров бултур «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқ кўрик-танловининг ғолиби бўлди. Мустақилликнинг еттинчи йилида эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» деган шарафли унвон билан тақдирланди.

Бир нарсани алоҳида эътироф этиш керак: мустақилликдан сўнг спортчиларимиз имконияти гуркираб ривожланиб кетди. Бугунги кунда халқаро мусобақаларнинг ҳеч қайси бири Ўзбекистон вакили ишлан кутиб олади. Лекин, уларнинг таклифидан унинг кўнгли хира тортади. «Сизларни ғоятда ҳурмат қиламан. Бироқ, бу ҳурматимни туғилиб вояга етган юртимга, Ўзбекистонга бўлган муҳаббатимга қарши қўйишингизни истайман», — деб жавоб беради.

— Майли, сенинг айтганингча бўлсин, — дейишди тирокисиз ўтмайди. Яна қувончли томони шундаки, деярли ҳар бир нуфузли мусобақада Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз ҳилпираб турибди. Шундай пайтда киши қаттиқ ҳаяжонга тушар экан. Ахир, қувонмай бўладими?! Мадҳия ҳам, байроқ ҳам сенга жондек азиз ва муқаддас, демак, уларнинг олис бир юртда янграши, ҳилпираши Ўзбекистонни дунё тан олганидан далолат эмасми?! Боксчилардан кўп карра жаҳон чемпиони Артур Григорян, жаҳон кубоги ўйинлари ғолиблари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Лазизбек Зокиров, Тимур Туляков, Руслан Шагаев, кикбоксинг бўйича икки карра жаҳон чемпиони Олмос Юсуповлар... Бу номларни яна давом эттириш мумкин. Уларнинг ҳар бирини чинакам фидойи деса бўлади. Айниқса, енгилмас Артурнинг эътиқоди бут, юртга муҳаббати чексиз. У профессионал боксда мамлакатимиз байроғи остида 19 марта рингга чиқиб барчасида ғалаба қозонди. А. Григорян жаҳон чемпионлиги учун Антонио Риверага қарши рингга ҳозирланаётган кезлари қизиқ воқеа рўй берган. Германияда яшовчи бир гуруҳ арманлар Арманистон байроғи ва мадҳиясини олиб Артур ҳузурига ошиқишади. Табиийки, Артур уларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Лекин, уларнинг таклифидан унинг кўнгли хира тортади. «Сизларни ғоятда ҳурмат қиламан. Бироқ, бу ҳурматимни туғилиб вояга етган юртимга, Ўзбекистонга бўлган муҳаббатимга қарши қўйишингизни истайман», — деб жавоб беради.

— Майли, сенинг айтганингча бўлсин, — дейишди улар.

— Рингга чиққанингда Ўзбекистон байроғини ўп, сўнг Арманистон байроғини ўпасан!

Артур бунга ҳам кўнмагач, улар катта миқдорда пул таклиф қилишди. Артур бу илтимосни ҳам жавобсиз қолдирди. ...Кейинги куни профессионал рингда Ватанимиз мадҳияси биринчи марта қўшиқ билан янгради. Дарҳақиқат, бу фидойиликнинг, Ватанга садоқатнинг энг олий тимсоли эмасми? Агар Артур билан суҳбатлашсангиз унинг юртни, киндик қони тўкилган азиз тупроқни нақадар эъзозлашини таърифлаш қийин эканлигини англайсиз. У Ватанни фақат буюк қадриятларга менгзайди, Ватан бу — онадек муқаддас, дейди у.

Термизлик Абдужаббор Ҳасанов хонадонини полвонлар оиласи дейишади. Абдужаббор ака беш фарзандини юртнинг асл ўғлони, фидойи, мард ва жасур паҳлавони қилиб тарбиялади. Тўнғич ўғли Баҳром асли иқтисодчи бўлса-да, халқаро тоифадаги спорт устаси, ўз вазни бўйича Ўзбекистон чемпионидир. Унинг укаси Ботир Абдужабборов эса Ватанимиз обрўсини ва шону шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси ҳамда катта ютуқлари учун Мустақиллик байрами арафасида «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ботир, айниқса, Бишкекда ўтган Осиё биринчилигининг машаққатларини унутолмайди. Ўшанда у майдонда жиддий жароҳат олган бўлса-да, бу ҳақда ҳакамларга «миқ» этмади. Натижада Ватан туйғуси, миллий ғурур, метин ирода полвонга ғалаба келтирди. У олтин медални қўлга киритди. Укалари ҳам акалари изидан бориб катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Бундай матонатнинг замирида, албатта, беқиёс ватанпарварлик, юксак ғурур, букилмас ирода каби миллатимизга хос фазилат мужассамдир.

Бугун юртимизда бунёдкорлик ишлари қизғин. Қоровулбозор, Кўқдумалоқ, Шўртан ғаз-кимё мажмуи, Қамчиқ довони, Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли, Қўнғирот сода заводи, Хўжаобод ерости газ омбори, Қизилқум фосфорит комбинати каби умумқурилиш майдонига айланган иншоотлар талайгина. Бири битади, иккинчисининг қурилиши бошланади, ҳаёт ана шундай шиддат билан олға интилади. Мустақилликдан сўнг амалга оширилаётган мана шундай улкан қурилишларда ёш авлоднинг ҳам ўрни борлигини қувонч билан таъкидлаш лозим.

Аммо бугун қишлоқларда қўлидан бинойидек иш келадиган, аммо бекор юрган ҳунарли йигитлар йўқ эмас. Агар улар билан суҳбатлашсангиз, нега бекор юрганинг сабабини суриштирсангиз, аксарият ҳолларда иш йўқ, деб жавоб беришади. Уларни улкан қурилишларга жалб этиш, куч-қувватини фойдали ишларга сарфлаш мумкин эмасми?! Тошкентдаги «Чорсу» бозори атрофини қўналға қилган, оддий халқ тили билан айтганда «Мардикор бозори» эрта-ю кеч иш қидирганлар билан гавжум. Ачинарлиси, ёлланиб ишлаш учун чиқаётганларнинг аксариятини вилоятлардан иш тополмай келаётган ёшлар тўлдираётгани сир эмас. Айниқса, отчопар бозорида, халқа йўлидаги қурилиш бозорларида давангирдек йигитлар ҳаммоллик қилаяпти. Тўғри, бу ишда моддий манфаатдорлик бор, албатта. Лекин, улар катта-катта қурилишларга, давлат аҳамиятига молик бунёдкорлик ишларига жалб этилса, улар кучидан унумли фойдаланилса бундан ҳам давлат, ҳам ўзи манфаатдор бўларди. Назаримда, бугун ана шу ёшларни бир мақсадга йўналтириш эҳтиёжи сезилмоқда. Бу ташаббусни «Камолот» Республика ёшлар жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари етакчилари ўз зиммасига олса, ўринли бўлар эди. Ҳолбуки, бугун шундай тарихий жараённи бошимиздан ўтказаяпмизки, биз қўл урган эзгу ишларни келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд ва Навоий вилояти кенгаши навбатдан ташқари сессияларидаги маърузалари ҳамда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раиси саволларига жавобларида жамиятимиз ва давлатимиз ривожига тўғаноқ бўлаётган муаммолар ечимининг биринчи шарти сифатида бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан ҳоли бўлган, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш зарурлигини алоҳида уқтирдилар. Бу мамлакатимиз ёшларига билдирилган ниҳоятда юксак ишончдир.

Зеро, мамлакатимиз Президенти айтганларидек, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак.

Зариф МИРЗАҚУЛОВ

1 2 3 4

Мулоҳаза

Ҳисори қўйчилик: муаммо ва афзалликлар

Қўйчилик, асосан ҳисори қўйларни кўпайтириш, уларнинг наслини сақлаб қолиш ва семиртириш шу куннинг долзарб вазифасига айланмоқда. Хўш, бу борада ҳисори қўйларнинг асли ватани — Сурхондарёда қандай ишлар амалга оширилаётир? Бу соҳани ривожлантиришга нималар тўсқинлик қилмоқда?

Воҳанинг катта қисмини тоғ, чўл ва яйловлар ташкил этади. Демак, вилоят об-ҳавоси ва иқлими ҳисори қўйчиликни ривожлантиришга жуда мос. Афсуски, бундай йирик, сергўшт ва серёғ ҳисори қўйчилигини ривожлантиришга айни кунларда фақат Сариосиё ва Бойсун туманларида аҳамият берилмоқда. Лекин, бу ҳали етарли даражада эмас. Бир сўз билан айтганда Сурхондарёнинг ўзида ҳам ҳисори қўйчиликка эътибор сусайган. Агар вилоятнинг умумий секторида 370 минг атрофида, аҳолида 600 минг бош қўй ва эчки бўлса, шундай ҳисори қўйлар нисбати умумий секторда 117 минг бошни, аҳолида эса 317 минг бошни ташкил этади.

— Ҳисори қўйчиликни ривожлантиришда бир қанча муаммолар тўпланиб қолганди, — дейди Сариосиё туманидаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси бош зоотехниги Т. Ҳакимов. — Булар қуйидагилардан иборат: Ватанимиз мустақил бўлишига қадар бундай зотдор ва сергўшт қўйлар йўқ бўлиб кетаёзди. Уларнинг наслига эътиборни кучайтириш, кўпайтириш, отарлар сонини орттириш ўрнига талон-торож бўлишига йўл қўйилди. Насл бузилди. Сифат эмас, туёқ сони кўп бўлса бўлгани қабилида иш тутилди. Чўпон-чўлиқларга қулай шароитлар яратилмади. Қолаверса, ҳисори қўйларнинг ноқонуний чатиштирилиши, уларни қоракўл ва бошқа қўйлар билан қўшиб боқилиши ҳам шундай оқибатларга олиб келди.

Худога шукрки, мана энди бундай зотдор қўйларни кўпайтиришга эътибор қаратилмоқда. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати К. Холдоров раҳбарлигида тумандаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси наслчилик хўжалигига айлантирилди. Айни кунларда хўжаликда (1 август ҳисобида) 16221 бош ҳисори қўй боқилмоқда. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Мана энди ҳисори қўй бош сони кўпая бошлади. Даромадга яраша буромад деганларидек, ўтган хўжалик йилида 7 миллион 386 минг сўм соф даромад олинди.

— Лекин биз бу билан мақтана олмаймиз, — дейди чорвачилик ширкати раиси Т. Холиқов. — Ҳозир сара қўйларимиз 70-80 килограмм тош босади. Яқинда телевизорда тошкентлик бир отахонни кўрсатишди. Боқимдаги ҳисори қўй 150 килограмм тош босди. Боқса бўлар экан-ку, дедим. Яна бир янгилик. Ўтган ойда хисори қўйларни тоғдан ҳайдаб келдик ва «класс»ларга ажратдик. Элита 1, 2- сортли отарлар пайдо бўлди. Бундай отарлар ишончли чўпонларга топширилди. Бу янгиликдан умид қилса бўлади. Зора, 150-200 килограммли «супер» ҳисори қўйлар ўз шуҳратини тикласа?!

Ниёзаҳмад бобо Ибрагимов чўпонлик таёғини қўлга олганига 55 йилдан ошдиёв. Эҳ, бу бошим неларни кўрмади, дейди у. Ҳаммаси ўткинчи экан. Менга қолгани шу қўйлару тоғу тошнинг ҳавоси бўлди. Бу жониворнинг тили йўқда, бўлмаса... улардан ажралолмай қолганман десам ишонаверинг.

— Бир пайтлар шу хўжаликда 202 килограмм келадиган ҳисори қўй боқилган экан?.. — сўрайман бободан?

— Ўша вақтларда айни қирчиллама пайтларимиз эди. Кўргазмага тоғам М. Гулов боққан ҳисори қўйлар жўнатиладиган бўлди. Узунлиги 11 қарич, баландлиги кўкрагимдан келарди. Оҳ, у қўйни ҳозир ҳам кўз олдимдан унутолмайман.

— Энди шундай қўйларни...

— Бўлади, болам, етиштирса бўлади. Ёзда сувлат, қишда кўтон дейдилар. Шундай экан, қўй, ем-хашак, озуқа, сувдан ҳоримаса семириб бораверади. Насли яхшиланади. Мана, энди шу ишлар бошланяпти. Насиб бўлса, ҳисори қўйчилик янада равнақ топади.

Сариосиёда бу борада дастлабки қадамлар ташланмоқда. Ўтган йили туманда биринчи марта наслчилик хўжаликлар негизида ҳисори зот кўчқорларнинг кимошди савдоси ҳам бўлиб ўтди. Яйловларни кенгайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ишлари жадал суръатларда бормоқда. Қўйларни қишдан беталофот олиб чиқиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳисори қўйчиликни ривожлантириш ишлари амалда. Бу билан ҳам халқ, ҳам мамлакат бойийди. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Юртимизда олтин куз якунланмоқда. Боғ-роғларда эса ширин-шакар мевалар йиғиштириб олиниб, қишга ҳозирлик кўриляпти.

Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ» боғдорчилик, узумчилик жамоа ширкат хўжалиги боғбонлари бу йил 500 гектар майдондан ғарқ пишган меваларни йиғиб олишди. Ҳосил эса мўл бўлди.

Суратда: хўжалик аъзоси Дилрабо Исроилова беҳизорда.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат.

Партия ҳаёти

Баркамол инсон — жамият кўрки

ХДП вилоят кенгаши қошида 25 кишидан иборат миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш комиссияси ишлаб турибди.Комиссия таркибида вилоятимизнинг кўзга кўринган атоқли олимлари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, санъат намояндалари, партиямизнинг обрўли ва тажрибали фаоллари бор. Бу борадаги ишларда юқорида таъкидлаб ўтилганидек ХДП вилоят кенгаши бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келади. Жумладан, сўнгги пайтларда миллий истиқлол мафкурасига бағишланган кенг даврада икки маротаба илмий-амалий конференция ўтказилди.

Биз республикамиз партия ташкилотлари орасида биринчилардан бўлиб «Мулоқот» мунозара клубини ташкил этган эдик. Мана, деярли 6 йилдирки, мазкур клуб партия аъзолари кенг омма орасида самарали иш олиб бормоқда. Клуб иштирокчилари эътиборига ҳаётимиз олға суриб келаётган энг долзарб муаммоларни ҳавола этамиз. Бу муаммолар жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама этилади, қимматли фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўртага қўйилади ҳамда улардан ўз ўрнида фойдаланиш чоралари кўрилади. «Мулоқот»мунозара клуби ишига вилоятимиздан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари депутатлари, таниқли ҳуқуқшунослар, кўзга кўринган олимлар, ижодкор зиёлилар, ҳокимлик ва ҳуқуқ органларининг вакиллари жалб этиб келинмоқда. Долзарб ва ҳаётий муаммоларга бағишлаб клубнинг Боёвут туманидаги «Тараққиёт» жамоа хўжалигида, Меҳнатобод туманида, Оқолтин ва Гулистон туманлари ҳокимликларида ўтказилган кўчма йиғилишлари айниқса сермазмун ва самарали бўлди.

Ўрни келганда юқоридаги каби муҳим, ҳаётий тадбирларни намунали ташкил этаётган партия ташкилотлари ҳақида тўхталиб ўтишни хоҳлар эдим. Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Сирдарё туман партия кенгашларининг ишларидан қониқиш ҳосил қилаётганимизни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Жумладан, Гулистон шаҳар партия кенгашида ҳар бир долзарб воқеага тезлик билан муносабат билдирилади. Бир сўз билан айтганда, бу ташкилот доимо ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлайди. Янгиер шаҳар партия ташкилоти эса партиявий ишларнинг барча соҳалари бўйича бой тажрибалар тўплаб келмоқда. Ҳудудий партия ташкилотлари ишларини замон талаблари даражасига кўтара олиш, депутатлар билан ишлаш, оммавий, сиёсий-тарбиявий тадбирларни кўнгилдагидек уюштириш борасида бу ерда эътиборга лойиқ ишлар қилинаётир.

Шунингдек, Боёвут, Сирдарё туман партия кенгашлари ҳам янгиликка интилиш, амалий тадбирларни ўтказиш, қариялар, ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда тарбиявий ишларни уюштириш каби ишлари билан ўз туманлари, деярли барча меҳнат жамоаларида эътиборли нуфузга эгадирлар.

Дўстмурод ҚУЛМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби.

Фармондан ижрогача

Раҳбарлик — масъулият дегани

Республикамиз хўжалик судлари тизимида узоқ (22 йилдан ошикроқ) ишлаган оддий бир ходим сифатида бемалол айта оламанки, ҳурматли Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони хўжалик судлари масъулиятини ошириш ва ваколатини кенгайтиришдан ташқари хўжалик субъектлари иқтисодий аҳволини яхшилаш ва давлатимиз ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш сари ташланган катта бир қадам бўлди. Чунки, илгари (ҳатто мустақиллигимиздан кейин ҳам) шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, корхоналар иқтисодий ночорлигининг сабабларига эътибор қилинмасдан, корхона раҳбари ёки бошқа ходимларнинг айби билан тўланадиган жарима ва пениялар корхона ҳисобидан тўланиб, амалда улар учун ҳеч ким жавоб бермасди.

Қашқадарё вилоят хўжалик суди ҳам ўз ишини ана шу Фармон талаблари асосида кўриб чиқиб, суд фаолиятини унда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига қаратмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида кўриб чиқилган 679 та хўжалик низолари бўйича 8 корхона банкрот деб эълон қилинди, 16 нафар мансабдор шахсларга нисбатан 14 та жиноий ишлар қўзғатилди, 13 та иш бўйича 20 дан ортиқ мансабдор шахслар 44 минг сўмга маъмурий жавобгарликка тортилди, 22 иш бўйича корхоналарга етказилган 2361 минг сўм зарарни айбдор шахслардан ундириш тўғрисида суд қарорлари қабул қилинди, 7 нафар мансабдор шахсларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган интизомий чоралар кўриш тўғрисида тегишли органларга тақдимномалар киритилди.

«Қаршикурилиш» бирлашмасига қарашли Косондаги ишлаб чиқариш технологияси мажмуа бошқармаси бошлиғи (УПТК) Тўйчи Фармонов ўз хизмат вазифаси ва корхона тақдирига бефарқ муносабатда бўлиб, бошқаришнинг иқтисодий усулларини қўлламасдан, тадбиркорлик билан иш тутмасдан, ўз манфаатини жамоа манфаатидан устун қўйиб корхонани банкротликка олиб келган. Хўжалик суди томонидан корхона иқтисодий ночорлигининг сабаблари ўрганилганда унда раҳбар Т. Фармоновнинг айби яққол исботланди. Жумладан, корхонада ишлаб чиқариш тўғри йўлга қўйилмаган, ҳисоб-китоблар ўлда-жўлда. Россияга жўнатиб юборилган маҳсулотларнинг пули олинмаган ва буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда корхонани иқтисодий инқирозга олиб келган. Шунинг учун ҳам вилоят хўжалик судининг хусусий ажрими билан мазкур корхона раҳбари Т. Фармонов устидан республика Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш қўзғатилди.

Самарқанд вилояти Нарпай туманида яшовчи фуқаро Саим Шукуров эса Китоб туманидаги «Бирлик» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг ишончномаси ҳамда муҳри ва тамғаси босилган ҳужжатларни нопок йўллар билан қўлга киритиб, улардан ўзининг шахсий мақсадлари учун фойдаланган. «Бирлик» корхонаси раҳбари номидан иш юритиб Навоий шаҳридаги Иқтисодий ҳуқуқий марказ билан шартнома тузган ҳамда катта миқдорда вексел ва бошқа моддий бойликларни қўлга киритган. Уларни эса Китоб шаҳрига олиб келмасдан, фирибгарлик йўли билан ўзлаштириб юборади. Ушбу ҳолат бўйича вилоят хўжалик суди томонидан қўзғатилган жиноий иш бўйича Навоий шаҳар прокуратураси тергов ишларини якунламоқда.

Маълумки, кейинги пайтларда айрим хўжалик субъектлари ўзларининг қарамоғидаги турли механизм ва техника воситаларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда баъзи қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ишни пухта ва қонуний ташкил қилмаган раҳбарлар бошчилигидаги айрим корхоналар бундан катта миқдорда зарар кўраётир. Масалан, вилоят электр тармоқлари корхонаси (бошлиғи Самандар Искандаров) ўтган йили Нишон туман тайёрлов идораси (бошлиғи Рустам Шаропов) билан шартнома тузиб, тайёрлов идораси Екатеринбург шаҳрига 2 вагон пиёз жўнатишга, электр тармоқлари идораси эса Россиядаги ҳамкоридан ана шу пиёз эвазига эҳтиёт қисмлар олиб келишга шартлашишади. Ана шу келишувга мувофиқ тайёрлов идораси кўрсатилган манзилга 80 тонна пиёз жўнатган. Лекин, шартномани имзолаган раҳбарларнинг эътиборсизлиги туфайли Россиядан эҳтиёт қисмлар ҳозиргача олиб келинмаган ва пиёзнинг пули тўланмаган. Хўжалик суди айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят хўжалик суди зиммасида Президентимизнинг ушбу Фармони асосида жиноий иш қўзғатиш, маъмурий жавобгарликка тортиш, зарарни ундириш ёки тақдимномалар киритиш билан бирга уларнинг ижроси масаласи ҳам турибди. Тегишли органлардан уларнинг ижроси тўғрисида зарур маълумотлар олиниб, биргаликда чоралар кўрилмоқда. Масалан, жорий йилда вилоят хўжалик суди ташаббуси билан қўзғатилган жиноий ишлардан 4 таси ўз ечимини топди, яъни, туман ва шаҳар судлари томонидан айбдорларга нисбатан қонуний жазолар тайинланди, етказилган зарарлар айбдор раҳбарлар ҳисобидан қопланмоқда, тақдимномаларнинг ярмидан ошикроғи ижро қилинди.

Аммо, яшириб бўлмайди, айрим ваколатли органлар вилоят хўжалик суди томонидан қўзғатилган жиноий ишларни қонуний якунлашга ёки етказилган зарарни ундириш ва корхонани иқтисодий инқирозга олиб келган раҳбарларни хўжалик суди тақдимномаси асосида эгаллаб турган лавозимидан озод қилишга шошилмаяпти.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Президентимизнинг мазкур Фармони фақат хўжалик судлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар учунгина эмас, балки барча давлат органлари, ҳамма корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик субъектлари мансабдор шахслари учун ҳам мажбурий бўлиб, улар ўзларининг фаолиятларини ана шу Фармон талаблари асосида амалга оширишлари ва раҳбарлик лавозимига масъулият билан қарашлари зарур бўлади.

Мирза ТУРСУНОВ,
Қашқадарё вилоят хўжалик суди раиси вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 19 noyabr, payshanba № 138 (24.375).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Нурбек ТОШНИЕЗОВ*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 0484

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.05
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон янги тарихининг саҳифаларидан

Бухорога қизил армиянинг босқини ва унга қарши кураш

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Агар Шарқий Бухородаги мужоҳидларнинг энг зафарли ғалабаси Душанбенинг қўлга олиниши бўлса, Ғарбий Бухородаги қўрбоши гуруҳлари ҳам миллий озодлик ҳаракати тарихига зарҳал саҳифалар билан битиладиган қатор ютуқларни қўлга киритишди. Абдулқаҳҳор бошчилигидаги қўшин 1922 йил бошида Бухоро республикаси пойтахти Бухоро шаҳри устига юриш қилди. Улар қизил аскарлар билан Сарипул-Меҳтар Қосим кўприги олдида бўлган икки кунлик шиддатли жанглардан сўнг Бухоро шаҳрининг катта бир қисмини эгаллашди ва бир неча соат мобайнида шаҳарни ўз қўлларида тутиб туришди. Ушбу ғалабаси ҳақида амир Саид Олимхон ўз хотираларида бундай деб ёзган эди: «Мулла Абдулқаҳҳор большевиклар устидан зафар қозонди, яна Бухоро шаҳри тевараги ни ўраб олди, натижада, шаҳарнинг олти дарвозасини эгаллаб олди. Шу билан у большевикларни сиқиб чиқариб, Бухорони бўшатди... Тўрт соатдан кўпроқ бу ерда туриб, кейин шаҳар ичкарисидан чиқиб Баҳоуддинга борди, у ерда 10 соат жанг қилиб, у ерни ҳам большевиклар қўлидан халос қилди. Абдулқаҳҳор Бухоро ва Баҳоуддиндан қўлга анчагина ўлжа киритди».

Аммо зудлик билан Тошкент ва Москвадан етиб келган кўп сонли қизил аскарлар билан бўлган жангда мужоҳидлар Бухорои шариф ва Баҳоуддиндан чекинишга мажбур бўлишди. Мужоҳидларнинг кўп қисми асирга олинди.

Бу воқеалардан сўнг Мулла Абдулқаҳҳор йигитлари яна икки йилдан зиёд вақт мобайнида қизил аскар қисмлари билан ҳаёт-

4

мамот жангларини олиб боришди. Мулла Абдулқаҳҳор қўрбоши Қизилқум чўлларида қизил аскарлар билан бўлган тўқнашувларнинг бирида 1924 йилнинг охирида ўлдирилди.

Собиқ Бухоро амирлиги ўрнида ташкил топган Бухоро республикасидаги ватанпарварлар қизил армия қисмларига қарши қарийб беш йил давомида шиддатли жанг ҳаракатларини олиб боришди. Бу курашда бухороликлар фақат ўз кучлари ва ички имкониятларига суяниб, жаҳондаги энг қудратли ҳарбий давлатнинг тиштирноғигача қуролланган армиясига қарши тура олдилар. 1924 йилнинг охири ва 1925 йилнинг бошларига келганда ҳозирги Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларидаги бу ҳаракат умуман мағлубиятга учради.

Бухоро ватанпарварларининг кўп қисми ўз юртларининг мустақиллиги ва озодлиги учун курашларда қурбон бўлдилар. Тирик қолган фидойиларнинг аксарияти эса беш йиллик тинимсиз жанглардан жуда чарчаган ва толиққан эди. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги совет ҳокимияти вакилларига таслим бўлди. Таслим бўлишни хоҳламаган минглаб мужоҳидлар эса Афғонистон ва бошқа хорижий давлатларга муҳожир бўлиб жўнаб кетишди. Улар билан биргаликда ўн мингдан бухороликлар ҳам ўзларининг киндик қони тўкилган табаррук ва муқаддас тупроқни ташлаб, Ватан сарҳадларидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Манбаларда бухоролик муҳожирларнинг миқдори 400000 кишиси атрофида келтирилади.

Шундай қилиб, Бухородаги мужоҳидлар ҳаракатининг Туркистондан, хусусан, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатидан фарқ қиладиган асосий томони шундан иборатки, ватанпарварлар Бухорода икки жабҳада туриб кураш олиб боришларига тўғри келди. Бир томондан, амирлик тузуми тарафдорлари бўлган мужоҳидлар собиқ жадидлардан иборат ёш Бухоро ҳукуматига ва шунингдек, қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бордилар. Уларнинг пировард мақсади Бухорои шарифда амир Саид Олимхоннинг ҳокимиятини қайта тиклаш, қизил аскарлар ва коммунистлар билан биргаликда «кофирларга сотилган жадидлар» ҳукуматини ҳам йўқотиш эди. (Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор ва б.) Иккинчи томондан, миллий истиқлол ғояларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарварлар Файзулла Хўжаев бошлиқ Бухоро Халқ республикаси ҳукумати билан яширин алоқалар ўрнатиб, Бухоронинг муқаддас тупроғидан қизил аскарларнинг олиб кетилиши, Бухоро республикасининг мустақиллиги амалда қарор топиши учун курашдилар (Анвар Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек, Дониёлбек ва б). Айнан улар сафига кейинчалик Бухоро жумҳуриятининг жуда кўпчилик раҳбарлари (Бухоро МИҚ нинг биринчи раиси Ус-

5

монхўжа Пўлатхўжаев, ЧК раиси Муҳиддин Махсум Хўжаев, республика милициясининг бошлиғи Али-Ризо Афанди, Шеробод вилояти нозири Ҳасан Афанди, Термез милициясининг бошлиғи Усмон Афанди, Ҳарбий ишлар нозири Абдулҳай Орипов, шунингдек, Сурайё Афанди, Дониёлбек, Қулмуҳаммедов ва б.) қўшилдиларки, бу арбоблар нинг аксарияти кечаги жадидлар ва ёш бухороликлар эди. Шарқий Бухородаги қўрбошиларни бирлаштирувчи куч яна Иброҳимбек сиймосида намоён бўлган бўлса ҳам улар билан Бухоро ва Кармана (Ғарбий Бухоро), Қашқадарё ва қисман Сурхондарё (Ўрта Бухоро) вилоятларидаги мужоҳидлар ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормадилар. Аниқроқ айтганда, Бухоро республикасидаги ватанпарварлар доимо ҳам ягона қўмондон қўли остидан ва яхлит бир дастур асосида фаолият юрита билмадилар.

Бухородаги мужоҳидлар сафида худди Фарғона водийсида бўлгани сингари халқнинг барча табақаларига мансуб кишилар бор эди. Деҳқонлар ва ҳунармандлар қўрбоши йигитларининг асосини ташкил қиларди. Ҳаракатнинг етакчилари бўлган қўрбошилар ҳам фақат катта бой ва йирик дин арбоблари бўлмасдан улар орасида зиёлилар, жадид ватанпарварлари, турли касб эгалари кўпчилик эди.

«Босмачилик ҳаракати, — деб сал кейинроқ ёзган эди Файзулла Хўжаев,— шиддатли сиёсий аксилсовет характер касб этди ва бутун Ўрта Осиёнинг мавжуд уч республикаси — Бухоро, Туркистон ва Хоразмдаги деҳқонлар аҳолисининг қарийб оммавий ҳаракатига айланди. Ҳаракатнинг доҳийлари фақатгина босқинчи тўдаларининг Кўршермат, Иброҳимбек каби алоҳида бошлиқлари бўлиб қолмасдан, балки унга маҳаллий, миллий зиёлилар, мулла ва бойлар ҳам раҳбарлик қила бошладилар...»

Ф. Хўжаев бу ерда Иброҳимбек ва Шермуҳаммадбекни «босқинчи тўдаларининг бошлиғи» деб ёзишга мажбур бўлган бўлса-да, биз учун бу ҳаракатнинг деҳқонлар ўртасида оммавий тус олганлиги, ҳаракат доҳийларининг аксарияти миллий зиёлилар ва ватанпарварлардан иборат эканлиги тўғрисида айтган эътирофи қимматлидир.

Хулоса қилиб айтганда, ватанпарвар боболаримиз тўккан қутлуғ қон беҳудага кетмади. Бухородаги бу ҳаракат бутун Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати каби Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиш учун бўлган курашлар босқичида муҳим рол ўйнаб, XX асрдаги Ватанимиз янги тарихининг энг шонли саҳифаларини ташкил қилади. Зероки, она-Ватан мустақиллиги ва истиқлоли учун бўлган жангларда шаҳид бўлган ота-боболаримиз хотираси ҳеч қачон унутилмайди.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
Ўзбекистон ФА Тарих институти докторанти

6

Савобга дахлдорлик

Ёхуд ҳашаматли тўй ўрнига қишлоққа кўприк курган одам хусусида

Тўхтасин бува ёшлигидан далада ишлади, сўнг новвойга шогирд тушди. Шу-шу оғзидан олов уфурадиган тандир ёнида умр ўтказди. Хотини билан саккиз фарзандни тарбиялаб, ўстириб, элга қўшди. Умр бўйи эл-юртга хизмат қилиб, инсонлар дастурхонини тўкин этган, камтар, ақлли, мулоҳазали бу инсон нафақага чиққач, маҳалла ўзига оқсоқол этиб сайлади.

Маҳалладан туман маркази — Олтиариққача 12-15 чақирим, Эскиараб қишлоғи марказигача 6 чақирим масофа бор. Тирикчилик-да, аҳолининг кўпи туман марказига ишга қатнайди, бозорга боради, шифохонага... Хуллас, одамлар қийналиб қолишган, автобуслар эса фақат қишлоқ марказигача келар, бундан кейин йўловчилар фақат оёқларига ишонишарди... Тўхтасин Отаназаров маҳаллага автобус қатновини йўлга қўйгунча учрамаган идораси, олишмаган амалдори қолмади десак бўлади. Ниҳоят, ҳоким ёрдами билан кўчаларда пешонасига «Олтиариқ-Эшонмаҳалла» дея ёзилган автобуслар қатнай бошлади... Навбат телефонга келди. Салкам икки минг одам яшайдиган маҳаллада, битта ҳам телефон йўқ эди. Саъй-ҳаракатлар натижа берди — алоқачилар оғринибгина бўлса-да, симёғоч, сим топиб беш чақирим масофага телефон олиб боришди. Тўхтасин бува телефонни маҳалла қўмитаси биносига ўрнатган. Зарур бўлганда одамлар ярим тунда ҳам керак жойга қўнғироқ қилаверишади. Телефон ҳақини Тўхтасин буванинг ўзи тўлайди...

Эшон маҳалладаги кейинги ўзгаришлар ҳам тилга тушди. Маҳалла озодалик, саришталик бўйича кўрикларда доимо ғолиблар орасида. Мухбирлар ҳам марказдан олисдаги, аммо намунали бу маҳаллага серқатнов бўлиб қолишди. Бироқ, Тўхтасин буванинг ди-

Ўзбек феъли

лида бир орзуси бор эди: маҳалла юқорида айтганимиздек олисда Қапчиғой қирлари этагида. Қир этагидан эса Андижон — Қўқон магистрал йўли ўтган. Агар шу йўлга чиқиб олинса, хоҳлаган томонингизга кетаверасиз. Аммо, бунинг бир «лекини» бор: йўл билан маҳалла орасида айқириб Сўх-Шоҳимардон канали оқиб ётади. Ундан ўтиш учун энг яқин кўприкка уч чақирим йўл босиш керак. Қачонлардир, кимдир канал устига ташлаган темир қувурда эпчил одамлар дорбоз янглиғ ўтиб оладилар. Қайси бир йили бир бола қувур устидан ўтаман дея йиқилиб, оқиб ҳам кетган.

Бироқ, кўприк муаммосининг ечими қийин кечди. Чунки, лойиҳачи ташкилотлар, бюджетдан пул ўтказадиган молиячилар Тўхтасин бува борганда:

— Отахон, кичик бир маҳалла учун сиз айтган ҳажмдаги кўприкни қуришга пул ажратолмаймиз, — дея қўлларини иложсиз ёзиб қолаверишди.

Тўхтасин бува бўш келмади, маҳалла аҳлини йиғиб, ҳашар уюштирди-да, канал маъмуриятидан рухсат олиб, ҳашар йўли билан ёғоч кўприк қурди. Узоғи яқин бўлган одамлар оқсоқолни дуо қилишди. Орадан бир ойлар чамаси ўтгач, катта йўлга чиққан одамлар нохуш хабар келтиришди. Қандайдир машина кўприкдан ўтмоқчи бўлганда, кўприк машинани кўтаролмай қулаб тушибди. Тўхтасин бува ачинди, яна ўйлаб таскин топди, чунки омонат кўприк бугун бўлмаса эртага бузилиши тайин эди.

Бироқ, рисоладаги, пишиқ-пухта, таги бетон конструкцияли кўприк учун катта харажат лозим эди. Қишлоқ йиғини бюджетида бунча маблағ йўқ. Одамлардан йиғиш ҳам мушкул. Шу кунлари отанинг икки ўғли фарзандларига суннат қилмоқчи эдилар. Кўпчилик Тўхтасин бувага «Эл-юртда таниқлик одамсиз, эл-юртнинг ошини кўп егансиз, шунга яраша дабдаба билан, обрўйингизга яраша тўй қилинг, фалон-фалон қўшиқчилар хизмат қилсин базмда» дея маслаҳат бериб турган пайт эди.

Тўхтасин бува ўғиллари билан маслаҳат қилди. «Тўйни камтарона ўтказайлик, ортган жамғармамизга эса қишлоққа кўприк қурайлик!» — деган фикрга келди оила аъзолари. Иш бошланиб кетди. Тўхтасин бува елди-югурди, маҳалла ҳам қараб турмади, раҳбарлар ёрдам қўлини чўзди. Заводда ишлайдиган маҳалладошлари бири сафдан чиққан поезд вагонининг қудратли темир асосини келтирди. Хуллас, бир ойда 20 тонна юк кўтара оладиган кўприк қўйилди. Кўприкни очиш тантанаси тўйга айланиб кетди. Узоқ-яқиндан «Тўхтасин буванинг кўприги битибди» деб эшитиб, ёш-қари бу савобли иш соҳибини табриклаш мақсадида келаверди. Туман ҳокими Н. Омонов, вилоят ҳокимининг ўша пайтдаги ўринбосари А. Муҳиддиновлар Тўхтасин буванинг ҳайрли ишини маъқуллаб, унинг халқимиз анъаналарига мослиги, ўз эҳтиёжидан ортган маблағни кўприкка сарфлаш олижаноб ҳаракат эканлиги хусусида гапирдилар.

Мана, икки йилдирки, кўприк устида қатнов тинмайди. Юк машиналари, автобуслар, пиёдалар ўтади бу ердан. Уларнинг ҳар бири, албатта, Тўхтасин бувага раҳмат айтишни ёддан чиқармайдилар.

Алишер ИБОДИНЮВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шатранж оламида

Болалар дона сурганда

Маълумки, шахматнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳатто, Мовароуннаҳр шатранж ватани бўлган, деган тахминлар ҳам бор. Узоқ йиллардан бери шахмат ўйинига алоҳида эътибор берилиши ҳам бежиз эмас. Боиси, шахматнинг тарбиявий аҳамияти катта. Аввало фикрлашга, мулоҳазали бўлишга, қўним топишга муҳими, бошланган ишни охирига етказишга ўргатади. Буни муайян шахмат ўйнаб юрган кишилар билан мулоқотда бўлган киши англаши мумкин. Истиқлол йилларида шахматга бўлган ғамхўрликнинг ортганлиги ҳам шундан. Етти йил мобайнида ажойиб ёш шахмат усталари бўй кўрсатдики, уларнинг мухлислари хорижда ҳам топилади. Узоққа бормай, яқингинада Испаниянинг Оропес шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлган самарқандлик Иброҳим Ҳамроқуловнинг ютуғи унинг тенгқурларида катта таассурот қолдирди. Бу ёш шахматчи шу кунларда Ҳиндистонда 20 ёшлилар орасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида яна бир бор ўз имкониятларини ишга солиб турибди. Умуман, юртимизда шахмат бўйича ўзига хос кўтаринкилик мавжуд десак, муболаға бўлмайди.

Куни кеча пойтахтнинг «Жар» спорт мажмуида яна бир анъанавий мусобақа бошланди. Мухлисларнинг «Труд» газетаси соврини учун ўтказиладиган халқаро мусобақадан хабарлари бор. Бултур Иброҳим Ҳамроқулов ана шу баҳсда бош соврини қўлга киритган эди. Учинчи марта ўтказилаётган мусобақада Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг 140 нафар шахматчиси ўзаро дона сурмоқда. Болалар мусобақаси швейцарча усулда ташкил этилиб, 9 тур давом этади. Болалар ёшларига кўра гуруҳларга бўлинган. Бир неча кун давом этадиган баҳснинг қизғин ва муросасиз бўлиши, ёш шахматчилар орасидан иқтидорларни кўзга ташланиши кутилмоқда.

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Жўраева*
Исми *Жазира*
Отасининг исми *Абдувоид қизи*
Қачон, қаерда туғилган *1898 йил Қашқадарё вил. Шаҳрисабз тум. Хазора қишлоғи*
Ҳозир қаерда яшайди *Ҳозир ҳам шу манзилда яшайди*
Узоқ умр кўришнинг сири *Ҳаётга умид* (қисқа баён этилади) *билан қараш, фойдали меҳнат*
Юз ёшнинг хулосаси *Инсонийлик ҳаёт ғавҳари* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларнинг аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнгида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Ватанни севмак иймондандир!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220; Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ Нашр индекси

Обуна сони

1999 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш — Баҳоси сўм — обуна сони — Баҳоси сўм

1999 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «RASHKA» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

І-Тошкент Давлат тиббиёт институти томонидан 1995 йил 30 июнда Аҳмедов У. Б. номига берилган даволовчи шифокор ихтисослиги ҳақидаги 12-сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 310-авиа-иқтисодий лицейи томонидан Ғофуров Абдусамат номига берилган О RA № 045387 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сирғали тумани ҳокимидан рўйхатдан ўтган «БОРДО» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва эътирозлар икки ой ичида қабул қилинади.
Тел: 48-56-79

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: *Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.*
Телефон: 54-56-11. Факс: 54-49-11 Пейжер: (067) 90-79

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ҳамда университет хорижий тиллар факультети жамоаси «Рус ва чет эллар адабиёти» кафедрасининг доценти **Собиржон Ғофуржонович ҒОФУРЖОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.